



КИЧИК БИЗНЕСНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ИҚТИСОДИЙ КЎРСАТКИЧЛАРИНИ ПРОГНОЗ ҚИЛИШДА ЭКОНОМЕТРИК МОДЕЛЛАРНИ ҚЎЛЛАШ

Калимбетов Жанназар Курбанбаевич¹

¹ ТАТУ Нукус филиали ассистенти.

Email: jkalimbetov@umail.uz

<https://doi.org/10.5281/zenodo.5903361>

MAQOLA TARIXI

Qabul qilindi: 13-Yanvar 2022

Ma'qullandi: 18- Yanvar 2022

Chop etildi: 23- Yanvar 2022

KALIT SO'ZLAR

Эконометрик моделлар сифатида, микроиқтисодий моделлар

ANNOTATSIYA

Ушбу мақолада иқтисодий жараёнларни моделлаштиришда эконометрик моделларни қулланиши кўрсатилган ва тахлил қилинган.

Мамлакатимиз Президентининг ташаббуси билан хусусий мулк ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш, уларни ривожлантириш йўлидаги тўсиқ ва ғовларни бартараф этиш, назорат органларининг масъулияти ва жавобгарлигини кескин кучайтириш, солиқ юкини қисқартириш, солиққа тортишни соддалаштириш ва солиқ маъмурчилигини такомиллаштириш борасида жуда катта тадбирлар амалга ошириб келинмоқда.

Эконометрик моделлар сифатида регрессион ва баланс тенгламалар тизими тушунилиб, улар иқтисодий жараёнларнинг стохастик ўлчамларини ҳисобга олади ва бошқарувнинг турли

даражаларидаги иқтисодий кўрсаткичлар орасидаги ўзаро алоқани ва тақсимотни миқдорий ёритиб беради.

Эконометрик моделлар мажмуи микроиқтисодий моделлар кўринишида ривожланиш тахлили, синтези ва башорати учун хизмат қилади. Моделлар такрор ишлаб чиқариш босқичларини математик ўхшатиш имконини беради ва шу билан биргаликда улардан тармоқ дастурларида кенг фойдаланиш йулларини очади. Бизнеснинг фикримизча, иқтисодиётда эконометрик моделлардан фойдаланишнинг қўйидаги афзалликларни келтириб ўтамыз.¹



Шундай қилиб, эконометрик моделлар бошқаришнинг турли даражасида иқтисодий ўсишининг турли характерларини тўлароқ ёритиб беради, омилар сонини оширади, кўрсаткичларнинг ўзаро алоқаларини тармоқланган блок занжири кўринишида намоён қилади. Шу билан биргаликда модел шаклининг ноаниқлик омилини киритиш ва бошланғич маълумотлардаги ҳатолар орқали яхшилаш имконини беради.

Шунинг учун тўғри ўзига хос қилинган эконометрик модел, ишлаб чиқариш самарадорлигига хўжалик механизми таъсирини акс эттирувчи ўзгарувчиларни катта жамламасини моделга киритиш ҳисобига фаол иқтисодий башорат усулларида тўлароқ фойдаланиш имконини беради. Моделларнинг бундай синфи башорат аниқлигини ҳатолар тузилишини ва башорат вариантларини қайта куриб чиқишдан келиб чиққан самара тахлили ҳисобига оширади. Эконометрик моделлар тармоқлараро баланснинг бошқа моделларидан шуниси билан фарқ қиладики тармоқлараро баланснинг бошқа моделлари тармоқлараро алоқаларни ўрганиш асосида ҳисобланади. Эконометрик моделларда эса улчамлар эхтимоллик асосида ҳисоблашнинг стандарт ҳатоларини кўрсатиш ва регрессион тенгламалар мавжуд бўлганда ва аввалдан аниқланган ўзгарувчилар қийматларига ишлов берилганда иқтисодий жараёнлар ухшатиш, фойдаланилаётган ресурсларнинг янада оқилона шаклларини ўрнатиш мумкин.²

Эконометрик моделлар тўғри талқин қилинганда, қишлоқ хўжалиги ривожланишини башорат қилиш ва унинг мажмуи тахлилида яхши қурол ҳисобланади. Бу ерда регрессия тенгламаларининг эгилувчанлиги эса эндоген ўзгарувчиларининг турли комбинацияларини тажриба йули билан текшириш ва ўлар орасидан чегаравий башорат қийматлари чегарасидан чиқмайдиган ва натижаларни яхши иқтисодий талқинини берадиган турини танлаб олиш имконини беради.

Эконометрик моделлар орқали регрессион таҳлил асосида кичик тадбиркорлик субъектларини ЯИМдаги улушини прогнозлашни амалга оширамиз. Маълумотларни таҳлил қилишда регрессион таҳлил энг кенг тарқалган усуллардан бири бўлиб ҳисобланади. Тушумларни таҳлил ва прогнозлашда сонли маълумотлар билан жуда кўп иш кўрилади ва турли катталиклар орасидаги боғлиқликни кузатиш, таҳлил қилиш зарурияти туғилади. Берилган сон қийматларни таҳлил қилишда эркин ўзгарувчи (X) ва эркин (Y) ўзгарувчилар қаралади. Корреляцион таҳлилнинг иккинчи вазифаси ҳодисалар (ўзгарувчилар) ўртасидаги боғланиш зичлигини аниқлашдан иборатдир. Бу корреляцион индекси $R \leq 1$ ва чизиқли корреляцион коэффициент $r \leq 1$ ларнинг сонли қийматларини ҳисоблаш йўли билан текширилади. Агар $R=1$ ($r=1$) бўлса, унда ўрганилаётган омилар ўртасида функционал боғланишлар мавжуд бўлади. Агар $R=0$ ($r=0$) бўлса, бу ҳолда омилар ўзаро боғланмаган бўлади.³

Умумий ҳулоса қилинганда мамлакатимизда иқтисодий жараёнларни эконометрик



моделлаштиришнинг кенг қўлланиши
Ўзбекистон Республикаси
Президентининг Олий Мажлисга
қилган Мурожаатномасида яқин беш

йилда устувор йўналиш сифатида
эътироф этилаётган рақамли
иқтисодиётга ўтишини
жадаллаштиришга хизмат қилади.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR:

1. Сердюкова Н.А. Оптимизация налоговой системы России//Диссертация на соискание ученой степени доктора экономических наук.М.,2002.
2. Ҳабибуллаев И. Иқтисодий математик усуллар ва моделлар. Ўқув қўлланма. – Т.: СА, 2009. -101 б.
3. Насритдинов Г. Эконометрика. Ўқув қўлланма. – Т.: «IQTISOD-MOLIYA», 2008. – 252 б.